



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIJ VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT
HOKIMLIGI



BUXORO

OLAMOI MADANIYATI MARKAZI

علماء المنطقة في العالم الإسلامي

— 2020 —

THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



28-29 May, 2020
Bukhara

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ

БУХОРО, 2020 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий инновацион ишланма ва технологиялар ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарори, 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш шунингдек, Ислом таълим, фан ва маданият ташкилоти (ISESCO) 2019 йил 18 декабрда Тунида бўлиб ўтган XI Ислом конференциясида 2020 йилда Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сон фармойишига асосан Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси томонидан 2020 йил 28-29-май кунлари “Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мазкур халқаро илмий анжуманда Ислом цивилизациясида Бухоро маънавий мероси ва унинг ҳозирги даврда чет эллик ва Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилиши муаммолари, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий ва юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросининг маънавий тараққиётни таъминлашдаги роли ва жаҳолатга қарши курашдаги аҳамияти, жаҳон маданий мероси таркибида Бухородаги муқаддас қадамжолар зиёрат туризми объекти ва динлараро мулоқотнинг муҳим манбаси, аждодлар илмий мероси илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид фундаментал тадқиқотлар негизи сифатидаги аҳамияти, илм-фан ва иқтисодиётнинг интеграциясини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва ечимлари доир тасаввуфшунос, исломшунос, тарихчи олимлар, файласуфларнинг маърузалари ҳамда шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бораётган мустақил тадқиқотчилар, докторант, магистр ва талабаларнинг илмий мақолалар ва тезислардан иборат илмий, илмий-оммабоп ишлари, изланишлари ушбу тўпламдан ўрин олган.

Таҳрир ҳайъати:

Ф.ф.н., доцент, Намозов Б.Б.

Ф.ф.д., профессор, Саломова Ҳ.Ю.

Ф.ф.н., доцент, Шарипова О.Т.,

Ф.ф.н., доцент, Шарипов А.З.

ўқитувчилар:

Ўразов Б.Б., Шокиров М.Р., Муртозаев Ш.Б.,

З.И.Нарзиев, А.Қ.Ширинов, Б.С.Турдиев

mashhur namoyandalardan olganlari va diniy fanlar bo'yicha qanchalik chuqur bilimga ega ekanliklariga yozib qoldirgan asarlari guvohlik beradi. Shayx yashagan davrda aqida ulamolari ikki asosiy manbaga suyanlar. Birinchisi — oyat va hadislar hamda sahoba va tobe'inlarning ijmo va ijthodlari, ya'ni naqliy dalillar. Ikkinchisi — aqliy dalillar. Shayx Abu Mansur esa boshqalarga taqlid qilmadilar, balki naqliy dalillar bilan aqliy dalillarni uyg'unlashtirib, undan so'ng xulosa chiqardilar. Aqliy dalil deganda falsafa, mantiq va tabiiy fanlar ko'zda tutiladi. Vaholanki, salaf ulamolarning ko'pchiligi bu dalillarni tan olmas edilar, balki naqliy dalillarning o'zi bilan kifoyalanardilar. Shayximiz esa, bu ikkisidan ham munosib ravishda istifoda etib, o'rtahollikni ixtiyor qilgan ekanlar. Darhaqiqat, naqliy dalillarni yaxshi anglash uchun aqliy dalillarni ham puxta bilish shartligini hech kim inkor eta olmaydi. Aql imkoniyatining ham chegarasi borligini e'tiborga olib, Shayx ko'p joylarda inson aqli juda ko'p haqiqatlarni idrok etishga qodir emasligini uqdirib o'tadilar. Shu bilan birga, aqlning Olloh tomonidan ato etilgan eng buyuk mislsiz ne'mat ekani, undan oqilona foydalanish zarurligini ham ta'kidlab o'tadilar.

Moturidiy hazratlarining xizmatlari shundan iborat bo'lganki, o'sha davrdagi aqidaviy oqimlarning ta'sirini qirqish, ularning iddaolariga raddiya berish, kuchli va asosli dalillar bilan haqiqiy islom aqidasi himoya qilish, ilmi kalom, mantiq va munozara qoidalariga rioya qilgan holda xasmlar jaholatiga ilmu ma'rifat bilan javob qaytarib, chin ixlosli musulmonlar uchun aqidaga doir muhim qo'llanmalar tayyorlab berishni niyat qilgan edilar. Ma'lumki, Ahli Sunna val-Jamo'a aqidasi o'sha davrda uchta buyuk shaxs tomonidan himoya qilingan va asosiy ruknlari ishlab chiqilib, shogirdlari va kitoblari orqali musulmonlarga taqdim etilgan edi. Ulardan birinchisi — Abul Hasan Ash'ariy Bag'dodda, ikkinchisi — Abu Ja'far Tahoviy Misrda va Abu Mansur Moturidiy Movarounnahrda sunniy aqidaning himoyachilari sifatida islom tarixida chuqur iz qoldirdilar.

Moturidiyning kalom ilmi rivojidadagi o'rnini belgilar ekanmiz, shuni alohida ta'kidlash joizki, u o'zidan oldingi kalom ilmi natijalarini xulosalagan va mavjud turli ta'limotlardan sintez yo'li bilan yangi nazariyani ishlab chiqqan buyuk ilohiyot olimidir. Moturidiy ilmiy merosini chuqur o'rgangan olmon olimi Rudolf Ulrix uni kalom ilmining eng yuksak namoyandasi, degan qarorga kelgan. Uning yozishicha, Moturidiy Movarounnahrda ilohiyotshunoslik taraqqiyotida burilish nuqtasini belgilab berdi.¹

Moturidiy o'sha davrlarda hanafiylarga qarshi chiqqan mu'tazila maktabining namoyandalari bilan kurashibgina qolmay, Movarounnahrda hanuz o'z ta'sirini yo'qotmagan zardushtiylik, moniylik dinidagi dualistik qarashlarning noto'g'ri ekanligini ishonarli tarzda isbotlab berdi va bu mintaqada islomning yagona e'tiqod manbasiga aylanishiga xizmat qildi. Moturidiy ta'limotida falsafiy istilohlar ko'p uchraydi. Shuningdek, inson ta'rifi yoki Ollohning yagonaligi (tavhid) masalalarida ham falsafiy mushohadalarni ko'ramiz. Ammo bular Moturidiyning falsafaga moyilligi bor, degan xulosani bermaydi. Shu bilan birga, falsafa bu davrlarda jamiyatning ziyoli tabaqasi orasida ancha singishib qolganidan darak beradi. Hanafiylar inson va Olloh o'rtasidagi munosabatlarni o'rganishda mo'tadil usulni tanlash, o'rtasida mantiqiy mutanosiblik bo'lishi tarafdori bo'lganlar. Moturidiy bu usulni davom ettirgan va tafakkurning ajralmas xususiyatiga aylantirgan. U biror diniy hukm chiqarish lozim bo'lgan hollarda, turli jihatlarining mutanosib kelishi tamoyiliga asoslangan. Ushbu tamoyil bilishning uch yo'li — hissiy idrok, naqlar va aql-mantiqiy tafakkurning tengligini ko'rsatish uchun olib borgan muttasil urinishlarida namoyon bo'ladi. Olam asosi haqidagi qarashlarda esa, jismlarning mustaqilligi, ularning Ollohga tobe'ligi borasidagi Moturidiyning fikrlari diqqatni o'ziga jalb etadi. Moturidiy g'oyalari haqida ravshan tasavvur hosil bo'lishi uchun uning ta'limotini quyidagi ixcham satrlarda ko'rsatish mumkin:

- Olloh amrlariga rioya qilish farzdir. Jinoyatchi qattiq jazolanishi lozim;
- yaxshi va yomon amallar Olloh tomonidan yaratilgan. Ammo Olloh yomon ishlarni xohlar-xohlamas, rizosisiz, moyilligisiz va ixtiyorisiz yaratgan;
- banda o'z amalini o'zi sodir etadi va buning uchun yo jazo oladi yoki mukofot.

¹ Оқилов, Сайидмухтор. Калом илми (Ақоид) : (ўқув қўлланма) /Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 19- б.

Bu Olohning unga bergan qobiliyatiga qarab bo'ladi. Agar bunga qobiliyati bo'lmasa, inson yomon amal qila olmagan bo'lardi;

- jannat va do'zax azaldan bor. Ular hech qachon yo'q bo'lmaydilar;

- Olohning sifatlari va kalomi azaliy, ya'ni yaratilmagan. Qur'on, shuning uchun ham, yaratilmagan deyilishi shart. Inson tomonidan qiroat qilinishi uchun yaratilgan, deyish mumkin.

Abu Mansur Moturidiy umri davomida faqihlar, muhaddislar bilan muloqotda bo'lgan va munozaralar olib borgan. U islom dinining hanafiy mazhabini Movarounnahrda tarqatish va o'zidan keyingi avlodlarga qusursiz yetkazish ishiga muhim hissa qo'shdi.¹

Moturidiy o'z davrining islomiy ilmlari sohasida eng yetuk bilim sohibi hisoblanib, musulmon dunyosi olimlari tomonidan tan olingan va hozirda ham turli diniy asarlarda zo'r ehtirom bilan tilga olinadi. Movarounnahr — Markaziy Osiyo xalqlari turli falsafiy, tabiiy, aniq fanlar, adabiyot, san'at sohalarida dunyoga mashhur siymolar, allomalar bilan birga islom nazariyasi, diniy ilmlar bo'yicha ham al-Moturidiydek butun musulmon olamida nom qozongan olimlarni ham yetishtirib chiqardilar.

БУХОРОДА НИКОҲ МАРОСИМЛАРИ

Нафиддинова Х.Р.-Бухоро давлат Университети

Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Ер юзида инсоният ҳаётини маросимлардан айри ҳолда тасаввур қила олмайди. Ер юзида ҳаёт кечирини бошлаган илк даврлардан бошлаб турли кўринишдаги маросимларни амалга оширганлар. Кишилар ривожланиб, фан-техника соҳасида турли ютуқларни кўлга киритишлари билан, улар ҳаётидаги маросимлар ҳам такомиллашиб бораверган. Оилавий маросимлар одамни туғилганидан то ўлимига қадар кузатиб боради. Худди шундай маросимларнинг гултожи тўй маросимлари ҳисобланади. Ўзбек халқининг дунёни ўзига мафтун этган маросимларидан бири ҳам бу айнан тўй маросимларидир.

Кўхна ва боқий, дунёда бор-йўғи бир неча шаҳаргина эришган шариф шаҳар мақомини олган Бухорои шариф 2020-йилда нуфузли халқаро ташкилот ISESKO томонидан "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинди. Аслида Бухорои шариф бир неча асрлар давомида Ислом маданияти пойтахти бўлиб келган. Унинг "Қуббатул Ислом", яъни "Ислом гумбази" деб номлангани ҳам бежиз эмас. Ташкилот томонидан ушбу шаҳарнинг Ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши асрлар давомида ушбу шаҳар ва ундан чиққан олимларнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини яна бир бор тасдиғи ҳисобланади.²

Бухоро шаҳри нафақат ўзининг шаҳар инфраструктураси, хунармандчилиги, олим-фузалолари билан, балки гўзал ва ўзигагина хос бўлган оилавий маросимлари билан ҳам, дунё эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Ҳозирда оилавий маросимлар этнологик тадқиқотларнинг кам ўрганилган объекти бўлиб келмоқда. Шу каби объектлар қаторига тарихан шаклланган Бухоро воҳаси ҳам киради.

Бизнинг ўзбек халқи Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа қардош халқлар сингари жуда қадим замонлардан буён тўй қилиб, элга ош бериб келган. Тўй- бу кўпчилик тўпланиб нишонлайдиган оилавий маросим. Тўйнинг ҳам турлари анча-мунча. Бешик тўйи, хатна-суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи, пайғамбар тўйи(оши) ва ҳоказолар.³ Худди шундай ҳар бир тўй билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ҳам анчагина.

Бухоро воҳасида ҳам никоҳ маросимлари бутун Ўзбекистондаги каби совчилик, нон синдириш, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи ва чақириқлардан иборат бўлган.

Одатда бўлажак келин танлангандан кейин совчилик ҳаракатлари бошланган. Дастлаб

¹ М.Хайруллаев "Ма'навият yulduzlari"/ Т:А.Қодирӣ, 1999, 78-б

² <https://sputniknews-uz.com/culture/20180107/7212796.html>

³ М.Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент.1993, Б.-113.

бўлажак куёвнинг онаси аёллар билан қизниқига борган. Улар ўзлари билан дастурхонга ўралган нонни олиб борганлар.¹

Совчилар уйга киришларидан олдин “қулчиликка келдик”, деб келишдан мақсадларини баён этишган. Қизли хонадон вакил аёллари уларни очик чехра билан кутиб олиб, уйга таклиф қилишган. Баъзи ҳолатларда эса совчилар дарҳол мақсадга кўчмасдан ўзларини меҳмонга келгандек тутишган. Мабодо қиз хонадоннинг уй тутиши ёки бошқа бир хусусияти ёқмаса, мақсади ҳақида билдирмасдан хонадонни тарк этган. Мақсадини баён қилган совчилар ёки куёвни қизнинг онаси таниса, хуш кўрса келганларга оила бошлиқлари-бобоси, отаси, акалари ва бошқа яқин қариндошлари билан маслаҳатлашиши, сўнгра якуний жавобни беришларини айтган. Агар аксинча, бўлажак куёв ёки унинг оиласи тўғрисида салбий фикр бўлса, тўйга тайёр эмаслиги, қизнинг боши боғлиқлиги ёки ёшлиги тўғрисидаги вазият билан совчиларни кўнглига ботмасдан рад жавоби берилган. Совчиларни кузатиш пайтида, хуш келибсизлар, яна келинлар, дейилса, икки-уч кун ўтиб, совчи аёллардан бири ёки иккитаси қизнинг уйига яна келишган. Бу сафар қизнинг онаси совчиликка эркаклар келишлари мумкинлигини айтади. Агар оилавий маслаҳатда рад жавоби танланган бўлса, бу қарор ҳам келганларга етказилган.

Никоҳ удумларининг навбатдагиси совчилар келинниқига бориб келишуви бўлган. Дастлаб совчиликка икки-учта эркаклар борган. Қизнинг уйига келган совчилар чой устида келиннинг отаси ёки бобосига келишдан мақсадини баён қилган. Агар қиз отасининг тадбирга қаршилиги бўлмаса, совчиларга розилик берилган. Розилик иккинчи ёки учинчи бор совчиликдан кейин олинган. Совчилар келгунига қадр қизнинг уйида ҳам оила яқинлари билан маслаҳатлашиб бўлажак куёв ҳамда қудаларнинг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилишган. Маслаҳатда оиланинг катта ёшли вакиллари фикрлари тингланган. Лекин ҳал қилувчи сўзни қизнинг отаси(агар у бўлмаса онаси ёки акаси) айтган. Агар биринчи марта келгандан сўнг розилик берилмаса совчилар иккинчи марта дастурхон қилиб келганлар. Унда патир, қатлама, қанд, ҳолва ва ҳоказолар олиб келинган. Тугунда бир неча кўйлақлик материал, келин учун оқ мато, онасига ҳам кийимлик материал ва рўмол кўйилиб, уларнинг барчаси оқлик дейилган.² Оқ ранг ёрқин ҳаёт ва бахт рамзи ҳисобланган. Қизнинг ота-онаси совчилар келтирган дастурхонларни очиб, нарсаларни олиб, ўрнига жуфт нон, бир жуфт рўмол ёки рўмолча солиб қайтарса, бу тўйга розилик белгиси саналган. Рад жавоби дастурхон очилмасидан қайтарилиши орқали билдирилган. Совчилар дастурхонни йигитнинг онасига берганлар. Она совчилар ҳузурида тугунларни ечиб, юборилган нарсаларга тегилмаган бўлса, ўзининг афсусини, агар алмаштирилган бўлса хурсандлигини совчиларга белбоғ, қайтариб солинган нон билан тўпланганларни сийлаган. Келин уйига узил-кесил жавоб олингунга қадар боришлар келишув хусусиятида бўлган.

Нон синдирилгач, яна икки уч марта келинниқига келишган, ҳар сафар зиёфат бўлган. Шундан сўнг келинниқига маҳалла ёки оиланинг обрўли кишиларидан 4-6-таси борган. Улар орасида куёвнинг отаси бўлиши шарт бўлган. Қизниқига фотиҳа тўйи ўтказилган. Совчилар ўзлари билан озиқ-овқат ва сарполар олиб боришган. Сарпода кўйлақлик газлама, рўмол, чопон, ковуш, махси, оқ матодан тўй кўйлаги учун мато ва ойна бўлган. Келиннинг ота-онаси, яқинларига ҳам сарполар кўйилган. Озиқ-овқатлар таркибида кўчкор, гуруч, ун, нон, ширинликлар, мевалар ва ҳоказолар бўлган. Фотиҳа тўйидаги қиз томон харажатларини куёв томон кўтарган.³ Меҳмондорчилик сўнгида нон синдириш удуми ўтказилиб, у икки томон билан қуда андачилик муносабатлари ўрнатилганлигининг рамзи саналган. Тўпланганлар орасида ёши улуғи, бир никоҳли, ували-жували кекса киши нон синдирган. Бир жуфт нон синдирилгандан сўнг ярми совчиларга, ярми келин томон аёлларига берилган. Ҳар икки томонда нонни бўлақлаб, эзгу тилаклар билан даврадагиларга тарқатилган. Фотиҳа тўйи якунида ҳар бир вакилга нон, оқ парварда, ҳолва каби ширинликлар берилган. Меҳмонлар келин-куёвга бахт тилаб, тарқалишган. Ушбу

¹ Узбеки.-М.:Наука.2011,С.-349.

² Т.Салимов. Нурота ва нуроталиклар.Тошкент.2019,Б.-90.

³ Муаллифнинг дала этнографик маълумотлари.Бухоро шаҳри. 2020.

маросимдан кейин қизни фотиҳали дейишган.

Фотиҳадан кейин вакиллар иккала томоннинг никоҳ тўйгача тайёргарлик даражасини аниқлаб, тўй санасини белгилашган. Шундан кейин ҳам никоҳ тўйи ва ундан кейин ўтказиладиган тантаналарда кўплаб маросимлар амалга оширилган.

Демак хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, гўзал ва бетакрор шахримизнинг нафақат тарихий ва муқаддас қадамжолари, балки урф-одат ва маросимлари ҳам зиёрат туризми объекти сифатида хизмат қилиши мумкин экан.

САЙФИЙ БУХОРИЙНИНГ “АРУЗ” РИСОЛАСИДА XV АСР АРУЗШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Мирзоев Хайём Тошқулович

Самарқанд давлат университети таянч докторанти (PhD)

XV аср шарқ адабиётининг мислиқўрилмаган даражада ривожланишига азим Бухоро шахридан етишиб чиққан бир қатор истеъдод соҳиблари ҳам ўзларининг адабий мероси билан муносиб ҳисса қўшганликлари диққатга сазовордир. Тазкиралар ва тарихий асарларда Бухоро фарзандларининг ўша давр адабий муҳитида ёрқин из қолдирганликлари атрофлича кўрсатилган. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасида Бухорода туғилиб ўсган ва кейинчалик турли адабий марказларда фаолият кўрсатган ижодкорларнинг муносиб ўрни борлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Навоий ўз тазкирасида Хожа Исмаил Бухорий, Хаёлий Бухорий, Мавлоно Кавсарий, Сайфий Бухорийлар ҳақида ниҳоятда илиғ сўзлаб, уларнинг ижод маҳсулига муносиб баҳо берган, адабий жараёндаги улушларини таъкидлаб ўтган. Бу тарихий сиймолар орасида ўзининг бадиий ижод намуналари ва илмий-назарий рисолалари билан XV аср маънавий меросини янада бойитган ҳамда Навоийнинг диққатини ўзига қаратган, унинг мактовли сўзларига сазовор бўлган ижодкор – Сайфий Бухорийни алоҳида мисол келтиришимиз мумкин. Навоий Сайфий Бухорийни замонасининг ёш истеъдодли шоирларидан бири сифатида таништириб, шеър теъза орада шўҳрат қозонганлиги, масал тарихида бағоят яхши шеърлар айтганлиги, санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латофатли назм қилганини ва бу тарихда мухтареъ эканлигини ҳамда муаммо фанида рисола битганини таъкидлайди, унинг ижод намуналаридан мисоллар келтиради. [3,340] Навоийдан кейин Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида, Абдуллоҳ Кобулий “Тазкират ут-таворих” номли тазкирасида Сайфий Бухорийнинг иккита шеър теъза девони ҳамда аруз, муаммо ва мусиқа илмларига оид рисолалар яратганини эслаб ўтадилар. Сайфий Бухорийнинг бизгача етиб келган асарлари орасида “Аруз” рисоласи ўзининг илмий ва адабий жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асар XV аср форс-тожик арузшунослигининг муҳим масалаларига бағишланиб, манбаларда “Мизон ул-ашъор”, “Аруз”, “Арузи Сайфий”, “Рисолаи Сайфий” номлари билан тилга олинган.

Таниқли шарқшунос олим Абдулғани Мирзоев ўтган асрнинг 50 йилларида ёзилган ўзининг “Сайфий Бухорой ва мавқеи ў дар таърихи адабиёти доираҳои ҳунармандӣ” номли мақоласида “Аруз” ҳақида қисқача тўхталиб, унинг қўлёзма нусхалари қайси давлат кутубхоналарида сақланаётганлиги ва бу асарни ўрганиш долзарб масала эканлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф мақоласида Сайфийнинг маълумотларига таяниб мазкур асарни 1491 йилда яратилганлигини исботлайди. [1, 276-284].

Абдулғани Мирзоевнинг тадқиқотидан яна шу маълум бўладики, Сайфийнинг “Аруз” рисоласи 1867 йили шарқ мумтоз поэтикасининг тадқиқотчиси – Ҳенри Блочман томонидан Калкуттада нашр этилган ва 1872 йили шу олим томонидан инглиз тилида таржима қилинган [1,278]. Арузшунос олима Дилнавоз Юсупованинг “Аруз илми ва ғарб тадқиқотчиси («Арузи Сайфий»нинг инглиз тилига қилинган таржимаси хусусида)” номли мақоласида Сайфий асарининг ғарбда танилишида немис олими Ҳенри Блочманнинг хизмати ва сай-ҳаракатлари атрофлича ёритилади ва қуйидаги хулосага келинади: “Умуман олганда, Сайфий Бухорий қаламига мансуб “Арузи Сайфий” асарининг немис шарқшуноси Ҳенри Блочман томонидан амалга оширилган инглизча таржимаси ва шу асосдаги шарҳ,

Ғайбуллаев Саидахмадхон АЛИ ИБН МУҲАММАД РОМИШИЙ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “УСУЛ АЛ-БАЗДАЙЙ” АСАРИГА ЁЗГАН ШАРҲИ	499
Самадова Сарвиноз ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	502
Умид Мавлянов АЛИ САФИЙНИНГ “ЛАТОИФ-УТ-ТАВОИФ” АСАРИ ҲАҚИДА	508
Alimova Shaxlo ХОЈАГОН ТАРИҚАТИДА ИНСОН КАМОЛОТ YO’LI	510
Ашурова Мархабо ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ “МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” АСАРИДА ИНСОН БОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	512
Б.Б.Дехқонов ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАСАВВУФ ОЛАМИНИНГ АСОСЛАРИ СИФАТИДА	515
Arzikulov J.X. ABDULXOLIQ G’ IJDUVONIYNING MA’NAVIY MEROSIDA BARKAMOL INSONNI TARBIYALASH MASALASI	520
Норбошева Мехри ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	522
Дилинавоз Бердиева ИСЛОМДА ДУНЁВИЙ ИЛМЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	526
Narzullayeva Gulchehra, Xamidova Zarina BUXORO ISLOM MADANIYATI MARKAZI.....	527
Ашурова Мархабо ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ТАЛҚИНИДА АЁЛЛАР СИЙМОСИ	529
Nunnanova.G. SHAYX ABU YA’QUB YUSUF HAMADONIYNING USTOZLARI VA SHOGIRDLARI	532
Pulатов Zarifjan PROGRESSIVE IDEAS IN “TEMUR TUZUKLARI”	535
Sevara Samadova, Nigina Umurova BUXORO MADANIYATI TARIXIDA VANOUDDIN NAQSHBAND TA’LIMOTINING O’RNI.....	537
Қаюмов Дилшод ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БУХОРО ОЛИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	539
Мирзахмедов Хуршид ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» АСАРИДА ТОЛЕРАНТЛИК АХЛОҚИ.....	542
Мирзаева Ферузахон XVII-XVIII АСРЛАРДА БУХОРОДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ ШАЙХЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	544
Саидкулов Нуриддин ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИ	547
A.T.Qayumova, O.O.Jalolov BUYUK MUTAFAKKIRLAR MA’NAVIY MEROSIDA INSON –BEVANO XILQAT	549
Vozorova Lobar MANGULIKKA DAXLDOR MEROS.....	551
O’razov Bobir, Xudonazarova Lola MAVLAVIYA VA NAQSHBANDIYA TARIQATLARIDA INSON KAMOLOTI MASALASI.....	552
Азалшоҳ Ҳамроев БУХОРОЙИ ШАРИФ: КЎХНА ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ, МУҚАДДАС ДИН ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТИМСОЛИ.....	554
Мавлуда Раҳмонова СОМОНИЙ ДАВРИ АЛЛОМАЛАРНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	556
Қудратов Ш.Ё.БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	558
Исмаилов К.К., Абдукадиров П.А. РОЛЬ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ БУХАРЫ В ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ	560
Nunnanova.G. YUSUF HAMADONIY TA’LIMOTIDA INSONNING TIRIKLIK MAZMUNINI, TANA VA RUH DIALEKTIKASINI ANGLASH MASALASI TANHLI	562
A.X.Axmatov BUXORO АДАБИЙ МУҲИТИ ВА ШАРИФЖОН МАҲДУМ.....	565
Fazilat Norova USTOZ SAID BURHONIDDIN SIRDONNING “SO’FIYLAR ILMI ASRORI” HAQIDA	567
Ортиқов Отабек, Ботиров Темурбек ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	569
Rahima Norova TASAVVUF VA KOMIL INSON TUSHUNCHASI.....	571
Karimova Dilfuza ISLOM OLAMIDA IMOM ABU MANSUR MOTURIDIY ASARLARINING ANAMIYATI.....	575
Нафиддинова Х.Р.БУХОРОДА НИКОҲ МАРОСИМЛАРИ	577
Мирзоев Хайём САЙФИЙ БУХОРИЙНИНГ “АРУЗ” РИСОЛАСИДА XV АСР АРУЗШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....	579
Sadiqova Roza ABU ALI IBN SINO BORLIQ HAQIDAGI FALSAFIY TA’LIMOTI.....	582
Тожиева Ирода ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИГА НАСАФ ФАҚИХШУНОСЛАРИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ	584
Қосимов Миржалол ШАМСУ-Л-АИММА САРАХСИЙНИНГ МАБСУТ АСАРИДА ЗАКОТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	586
Muhammadiyeva Laziza BARKAMOL INSON TARBIYASI - NAQSHBANDIYA TA’LIMOTINING NEGIZI	587
Лола Азимова ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШГАН МУТАСАВВИФ	589
Абдухамидов Исломбек ХОЖА АБДУЛҲОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ – МУСУЛМОН ШАРҚИНИНГ ХОЖАИ ЖАҲОНИ.....	591
Nunnanova.G. SHAYX ABU YA’QUB YUSUF HAMADONIYNING USTOZLARI VA SHOGIRDLARI	593
Tursunkulov Nurali ISLOM TAFAKKUR TARZINING SHAKLALANISHIDA ABU HOMID G’AZZOLIYNING O’RNI.....	597
Хусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ БУХОРО ХАТТОТЛИК МАКТАБИ АСОСЧИСИ МИР АЛИ ҲИРАВИЙ ФАТҲОБОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР.....	598